

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ КАМОЛИДДИН ЖЎРАБОЕВИЧ

**КЎП МАҚСАДЛИ МАШИНА ГИДРАВЛИК ЮРИТМАСИ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рустамов Камолиддин Жўрабоевич Кўп мақсадли машина гидравлик юритмаси параметрларини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш.....	3
Рустамов Камолиддин Джурабоевич Совершенствование методики расчета параметров гидропривода многоцелевой машины.....	25
Rustamov Kamoliddin Joraboevich Improving of the methodology for calculating the parameters of the hydraulic drive of a multipurpose machine	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ КАМОЛИДДИН ЖЎРАБОЕВИЧ

**КЎП МАҚСАДЛИ МАШИНА ГИДРАВЛИК ЮРИТМАСИ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.2.PhD/Т1752 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tstu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аскарходжаев Тўлқин Ишонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Иноятходжаев Жамшид Шухратуллаевич
техника фанлари доктори, профессор
Ахмедов Дониёр Анваржонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

Етакчи ташкилот: Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги
DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 10 соат 10⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси, 1-уй. Тел./факс:
(998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (037 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент,
Одилхожаев кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 10 куни тарқатилди.
(2021 йил «08» 10 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.М. Худайкулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш-котиби, PhD, доцент

А.А. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, хусусан АҚШ, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ривожланган давлатларда йўл қурилиши ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида тракторлар ва мобил машиналар гидравлик тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, кўп мақсадли машина гидравлик тизимини ягона тизимга келтиришда тезлик ва мавжудлик масштаб коэффициентларини қўллаш орқали гидроюритмаларга ўрнатилган жиҳозларнинг (чўмич, отвал, бурғу, кран) бириктирувчи қисмлари универсаллигига асосланган графоаналитик, дифференциал ва аналитик усулларини ишлаб чиқиш, кўп мақсадли машина гидроюритмаси динамик модели ва ҳаракат тенгламаларининг статик ҳамда кинематик параметрларини аниқловчи усулларни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, ҳар бир ривожланган мамлакатда кўп мақсадга мўлжалланган машина гидравлик юритмаларини ягона гидравлик тизимга келтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда кўп мақсадга мўлжалланган машиналарнинг технологик жараён талабларига мос келувчи ягона гидравлик тизимини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, замонавий йўл-қурилиш машиналари гидравлик юритмасининг стрела, рукоят, чўмич гидроцилиндрларини тўла ҳажмда ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, кўп мақсадли машина қазииш жиҳозлари гидравлик тизимларининг динамик хусусиятларини математик моделларини ишлаб чиқиш, гидроюритмаларни ҳисоблашда ҳар бир бўғин (платформа, стрела, рукоят, чўмич) элементларини алоҳида бўғинли ҳисоблаш усулини такомиллаштириш, нормал қазииш траекторияси ва чекланган қазииш кучини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш назарий ва амалий тадқиқотларининг асосий зарур масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, кўп мақсадли машинанинг гидравлик тизимини тез алмашинувчи жиҳозлар (чўмич, отвал, бурғу, кўтариш-тушириш) технологик иш жараёнини ҳисоблашга мўлжалланган қуйи тизим математик моделини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикамызда автомобил йўллари тармоғини кенгайтириш, мавжуд иншоотлар, йўллар, аэродромларни сақлаш ва таъмирлаш, юқори самарали йўл қурилиш техникаси, ускуналари асосида моддий, энергетик ва меҳнат ресурсларини тежаш, кўп мақсадли машинанинг гидравлик тизими параметрларини такомиллаштириш ва назарий ҳисоблашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...йўл транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш...»¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

вазифани амалга ошириш, йўл-қурилиш машиналари ва халқ хўжалиги соҳаларида кенг қўлланиладиган кўп мақсадли машиналар гидравлик тизимининг такомиллашган юритмасини ишлаб чиқиш, кўп мақсадли машинанинг гидравлик тизими параметрларини ва иш режимларини аниқлаш имконини берадиган такомиллаштирилган механик-математик модел ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат кўмитасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда турли кўп функцияли машиналарнинг гидравлик тизимлари статик ва динамик босқичларининг ҳисоблаш жараёни ҳамда кўп функцияли машиналарнинг гидроюритмалари ва уларнинг осма жиҳозларини узоқ муддат ишлаши, иш унумдорлигини оширишга сабаб бўладиган параметрларни ҳисоблаш жараёни бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг йирик тадқиқотчилари Ю.Г. Беренгарда, М.М. Гайцгори, Е.Ю. Малиновский, Prasanna Kumar, V. Matikainen, Javad Tarighi, Н.Ф. Мутлюк, Т.М. Башта, Д.А. Чудаков, К.Я. Некрашевич, В.Б. Попов, А.Д. Альтшуль, М.И. Жилевич, С.В. Кобызев, А.Б. Лурье, С.В. Молоконов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамиз олимларидан О.В. Лебедев, Т.И. Асқарходжаев, А.А. Шермухамедов, К. Астанақулов, Қ.А. Шарипов ва бошқалар томонидан ўзи юрар кўп мақсадли машиналарнинг гидравлик тизимлари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган ва маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда мазкур тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда кўп мақсадли машиналарнинг гидравлик тизимларини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб бориш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади. Олиб борилган аввалги тадқиқотларда таклиф этилган кўп мақсадли машинанинг гидравлик тизимининг рационал параметрлари (қазииш, бурғулаш, суриш ва кўтариш-тушириш) ни танлаш ва танланган схемаларни таҳлил қилиш, алоҳида қисмлар учун математик моделлар тузиш ва уларни ЭҲМдан фойдаланиб, комплекс ҳисоблаш усули етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-069 «Муҳандислик иншоотларини созлаш ва таъмирлаш учун кўп мақсадли КМ-1 машинанинг синов нусхасини чиқариш ва синов ўтказишга техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш» (2008-2013), Ф-4-53 «Кўп мақсадли КМ-1 машинаси гидравлик тизимининг ҳисобий услубларини асослаб, синов нусхасини чиқариш» (2013-2015) илмий тадқиқот ва фундаментал лойиҳалар грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп мақсадли машинанинг гидравлик юритмаси иш жараёнини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

кўп мақсадли КМ-1 машинасининг фойдаланиш шароитларини, гидравлик тизимининг ҳисобий услубларини таҳлил қилиш ва гидроюритмасини назарий тадқиқ қилиш;

универсал машина конструкциясининг технологик (қазииш, бурғулаш, суриш, кўтариш) параметрларини асослаш;

Matlab дастури ёрдамида экскаватор гидравлик тизимининг хусусиятларини таҳлил қилиш усули орқали якуний натижалар олиш ва Simulink маълумотлар базасидан оптимал бурчак ҳолатларини аниқлаштириш;

синов тажрибаларини амалга ошириш орқали кўп мақсадли машина гидравлик юритма параметрларини аниқлаш;

назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини солиштирма таҳлил қилиш асосида тадқиқот натижаларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва КМ иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида кўп мақсадли машина ТТЗ-80.10 трактори олинган.

Тадқиқот предметини кўп мақсадли машина ТТЗ-80.10 трактори базасидаги гидравлик юритма тизими ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида математик-статистика қонунлари, синов тажрибалари, ҳисоблаш математикаси, режалаштириш, эксплуатацион, физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг назарий ва синов усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп мақсадли машина технологик параметрлари (қазииш, суриш, бурғулаш, кўтариш-тушириш)ни асословчи техник иш унумдорлиги ифодаси тезлик

коэффициенти ва мавжудлик коэффициентини киритиш асосида такомиллаштирилган;

кўп мақсадли машина гидравлик тизимини тез алмашинувчи жиҳозлар (чўмич, отвал, бурғу, кўтариш-тушириш) билан иш жараёнини ҳисоблаш математик модели ҳаракат тенгламаларини сонли ечиш Кутта-Мерсон ва Тейлор усули музлатилган коэффициентлар орқали такомиллаштирилган;

экскаватор гидроюритмаси динамик моделининг оралик бурчак рационал параметрлари Matlab/Simulink дастурида статик, кинематик ва динамик параметрлар ёрдамида диссипатив функцияни иккинчи турдаги Лагранж тенгламасига алмаштириш орқали вектор-матрица шаклидаги тенгламалар ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

кўп мақсадли машина гидроюритмаси иш жараёнини комплекс ҳисоблаш усули қазииш жараёнларида гидротизимга тушаётган кучлар таъсирини ҳисобга олиб, технологик жараённи истиқболли прогноз қилиш имкониятини кафолатлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кўп мақсадли КМ-1 машинасининг қазииш жараёнида ҳосил бўлган юкламани тутиб турувчи гидравлик тизимнинг илмий асосланган энергия самарадорлик параметрлари такомиллаштирилган;

кўп мақсадли КМ-1 машинаси гидравлик тизими параметрларини ва иш режимларини аниқлаш имконини берадиган ишчи органнинг такомиллаштирилган механик-математик модел ишлаб чиқилган;

кўп мақсадли машина қазииш жиҳозларининг тажрибавий тадқиқ этиб, технологик иш жараёнларини комплекс ҳисоблаш хусусиятлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар гидромеханика, механизм ва машиналар назарияси фанларининг қонун ва қоидаларига асосланганлиги, дала шароитида ўтказилган тажриба ишларида замонавий услуб ва воситалар қўлланилганлиги, назарий жиҳатдан олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган кинематик ва динамик ҳисоблашлар натижалари, ҳисоблаш дастурлари ва тадқиқот ишида ишлаб чиқилган услублар, тузилган алгоритмлар ва олинган натижаларнинг ишончлилиги аналитик масалалар ечими билан солиштириш орқали изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, кўп мақсадли машинанинг қазииш жараёнидаги керакли кучни берувчи гидравлик тизимлар параметрларини аниқлаш имконини берадиган математик моделлар, аналитик боғланишлар ва ҳисобий усуллардан барча жараёнлар (қазииш, суриш, бурғулаш, кўтариб-тушириш) гидравлик тизим параметрларини асослашда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машинанинг гидро тизимини тажриба-синов нусхаларини тайёрлашда лойиҳалаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик синовларини ўтказиш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда меҳнат сарфини камаййтиришга хизмат қилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп мақсадли машинанинг гидравлик юритмаси иш жараёнини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

унумдорлик коэффициентига таъсир этувчи кучдан ва грунтнинг қаршилик кучидан фойдаланган ҳолда, тезликнинг масштаби коэффицентини киритиш йўли билан кўпмақсадли машинанинг такомиллаштирилган технологик (қазил, итариш, бурғулаш, кўтариш ва тушириш) параметрлари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти ва “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба унитар корхоналарига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг 1 феврал 2021 йилдаги 03-389-сон маълумотномаси). Натижада энергия тежайдиган гидроюритманинг ишлаши, қазил жараёнида энергия эҳтиёжини 23% га ва двигателга тушадиган юкни камайитириш имкони яратилган;

универсал машинанинг гидравлик тизимини тез алмашувчи жиҳозлар (чўмич, отвал, бурғу, кўтариш-тушириш) билан иш жараёнини ҳисобга олишга мўлжалланган такомиллаштирилган математик модели “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба-унитар корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг 1 феврал 2021 йилдаги 03-389-сон маълумотномаси). Натижада экскаватор қуввати ва қувват параметрларига боғлиқ чўмич $\alpha_2=47^0 \dots 53^0$, рукоят $\alpha_3=55^0 \dots 58^0$ ва стрелалар $\alpha_5=22^0 \dots 27^0$ аниқланган ўзаро боғлиқликларни чўмични оптимал жойлашувини аниқлаш имконини берган;

экскаватор гидроюритмаси Matlab/Simulink дастурида статик, кинематик ва динамик моделлари оптимал бурчаклар диапазони ёрдамида ишнинг давомийлик цикли ва унумдорлигини оптималлаштирилган рационал параметрлари “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг 1 феврал 2021 йилдаги 03-389-сон маълумотномаси). Натижада, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази фаолиятида ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда қўлланилаётган кўп мақсадли машиналари конструкцияларининг таркибий қисмлари такомиллаштирилган;

кўп мақсадли машина гидравлик тизимининг иш жараёнини комплекс ҳисоблаш усули “Ўзйўлмашсервис” илмий-ишлаб чиқариш тажриба-унитар корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг 1 феврал 2021 йилдаги 03-389-сон маълумотномаси). Натижада, бир чўмичли экскаваторнинг эксплуатацион иш фаолиятини 15% га ошириш таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларида 12 та илмий мақола, жумладан, 7 та мақола маҳаллий ва 5 та


мақола хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Мамлакатимизнинг йўл қурилиши ва халқ хўжалиги соҳасидаги кўп мақсадли машиналарга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласига бағишланган диссертация иши долзарб.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши. Йўл-қурилиш машиналари гидроюритмасини ишлаб чиқишга мўлжалланган ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида кўп функцияларни бажариш учун мўлжалланган йўл қурилиш машиналари конструкцияларини ва гидроюритмаларини лойиҳалашда тадқиқот қилинадиган масаланинг муҳимлиги ёритилган ва кўп мақсадли машинанинг гидроюритмасини асосий муаммолари баён ҳамда таҳлил қилинган. Муаллиф фикрича, кўп функциялар учун мўлжалланган йўл қурилиш машиналарининг гидроюритмалари кўп жихозлар билан ишлаш ва тез алмашинувчанликка мос тизимларининг маҳаллийлаштирилган конструкцияси мавжуд эмас, жихозларнинг сонига боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Буларнинг барчаси масалани ечишда катта қийинчиликлар туғдиради ва ҳисоблашнинг тахминий усулларини қўллашга мажбур этади, бу эса КМ йўл қурилиш машиналарида материалларнинг ортиқча сарфлашга олиб келади ва ишончлилиги етарли бўлмайди.




1–диаграмма. Кўп мақсадли гидроюритмали машиналарининг йўл қурилиш машиналари ва халқ хўжалигида фойдаланиш миқдорлари

Ушбу бобда диссертация иши тадқиқот объекти ва предмети асосланган, ЭГ ни ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган, ЭГ аниқлигини ошириш учун

мавжуд тизимларни ва уларнинг ишлаш принципини таҳлил қилиш ишлари олиб борилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Кўп мақсадли машинанинг асосий конструкцияси ва технологик параметрларини танлаш ҳамда ҳисоблаш**» деб номланган иккинчи бобида хориж давлатларидан замонавий техникани олиб келиниши, ҳамда Россия, Украина, Германия, Швеция, АҚШ каби мамлакатларда ишлаб чиқиладиган бундай машиналар технологик жараёнга тўлиқ жавоб бермаслиги, уларни Марказий Осиё худудида эксплуатация қилиш эса, қимматбаҳо материалларни (APICE нинг талабларига жавоб берадиган ёнилғи-мойлаш материаллари – ЁММ, филтрлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) ишлатиш натижасида фойдаланиш сарфи жуда қимматга тушиб кетиши масалалари ёритилган.



1-расм. ТТЗ-80.10 трактор асосидаги кўп мақсадли машинанинг грунтни казиш ва суриш жиҳозларини умумий кўриниши

Замонавий қурилиш ва йўл машиналарининг гидравлик юритмалари жуда мураккаб ва КМ-1 машинасини ишлаб чиқишда асосий масалалардан бири гидравлик тизимни танлаш ҳисобланади. КМ-1 машинасининг қазииш ускуналари гидравлик юритмасининг параметрларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб масала бўлиб, халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. КМ-1 машина универсал ва ихчамлиги, ўта ҳаракатчанлиги ва кўп функционаллиги боис анъанавий йўл қуриш машиналари бажара олмайдиган ишларнинг кўпчилигини бажариш имконига эга. Бундай машиналарга юкловчининг кўп функционаллигини таъминлайдиган ўнлаб алмаштирилувчи жиҳозларни ўрнатиш мумкин.

Грунт қазииш жараёнининг математик тавсифида қазииш жараёнининг энергия самарадорлигини ўрганиш учун экскаваторнинг сарфланган энергиясини ҳисобга олган ҳолда геометрик ва кинематик параметрлари аниқланган ва энергия самарадорлигини ўрганиш жараёнида экскаватор мураккаб иерархик тизим сифатида қаралган.


Диссертацияда грунтни қазииш пайтида ишчи жиҳозида гидравлик тизимга тушаётган юкланиш таъсир қиладиган (2-расм) қаршилиқ кучларини локализация қилиш жойларини белгилаш учун шток чиқиши узунлигига қараб, чўмич ва

дастакни комплекс иши билан грунтни казиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган.

Муаллиф одатий тадқиқотлардаги каби бажарилган иш гидроюритма ичидаги босимга қараб, гидравлик цилиндрнинг қувват хусусиятлари орқали аниқлаб қазилган грунт билан таъсир ўтказишда экскаваторнинг асосий параметрлари ўртасидаги муносабатни ўрнатган. Шу асосида қазииш жиҳози КМ-1 машинаси ҳосил қилиши лозим бўлган умумий куч W_o топилган.

$$W_o = \frac{tbS[\sin \beta(1-f^2) + 2f \cos \beta]}{\sin \theta[\sin(\beta + \theta) \cdot (1 - \mu f) + \cos(\beta + \theta) \cdot (\mu + f)]} + \frac{b(B_k - S)^2 \gamma f \cos^2 \beta}{2tg \varphi_0} + \frac{1}{3} f \gamma tg^2 \varphi_0 tg \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_0}{2} \right) + f_x \left(G_q + \frac{b(B_k - S)^2 \gamma}{2tg \varphi_0} \right). \quad (1)$$

Топилган тенглик (1) аналитик усулда қазииш жиҳозини умумий кучини чўмичнинг параметрларига ва грунтнинг физик-механик таркибига боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини берган. Бундан асосий мақсад машинанинг рационал тортиш қувватини ишлатиш, керакли энергияни танлаш имкони мавжудлигида.




2-расм. Грунтнинг чўмич ён деворига ва тубига кўрсатаётган босимини аниқлаш схемаси

Топилган аналитик тенгламалардан фойдаланиб, КМ машинанинг қазииш жараёнидаги техник иш унумдорлиги аниқланган.


$$\Pi = \frac{1.8 \cdot 10^3 E k_H}{\left[\frac{2T_{ин}}{3k_m} \left(1 - \frac{1}{\pi} \arccos \frac{a_2 + c_2}{R_1} \right) + \frac{E}{a_1 h k_x v_x \cos \varphi_0} \right] k_P} \quad (2)$$

Формулалар таҳлил қилиниб 3-расмдаги натижалар олинган.



3-расм. Қазиш жараёнидаги экскаватор иш унумдорлигини тезлик коэффициентига боғлиқлиги: КМ машинанинг ($a_1, a_2, c_2, h, \varphi_0$) – технологик, (R_1, V_x, I_p) – конструктив ва (k_x, k_r, k_y)- эксплуатацион параметрлари


Технологик жараёнларнинг таҳлили (2) хандақларни қазишда гидравлик бир чўмичли экскаватор чўмичини тўлдириш ва чўмичдаги грунтни бўшатиш коэффициентлари нисбати (k_n/k_p) чизиқли бўлмаган ҳолда ўзгаришини кўрсатилган.




4-расм. Қазиш жараёнида машина иш унумдорлигини мавжудлик коэффициентига боғлиқлиги

Диссертациянинг учинчи боби «Кўп мақсадли машина гидроюритмаси динамик модели ва ҳаракат тенгламаларини ишлаб чиқиш» деб номланган. Бу бобда диссертация ишидаги кўп мақсадли машина қазиш жиҳозларининг гидравлик тизимларини математик моделлари келтирилган. Муаллиф томонидан механик қуйи тизимнинг математик тавсифида унинг умумлаштирилган лойиҳалаш схемаси, координатали тизимлар, умумлаштирилган координаталар танланиб, асосланган звенолар орасидаги геометрик боғланиш тенгламалари, боғланишлар кинематикаси тенгламалари ва ЭГ нинг динамик тенгламалари тузилган. ЭГ механик қуйи тизимининг тузилган лойиҳалаш схемасига биноан (3-расм) тизимни голономик деб тахмин қилиниб, динамика тенгламасини иккинчи турдаги Лагранж тенгламалари шаклида тузилган. Бунда вақтнинг ҳар бир дақиқасида бир чўмичли экскаватор билан грунтни қазиш жараёнида динамик модел, хандақ кичик қисмининг бўйламаси бўйича профили тавсифлаган ва аниқлаган. Ишчи органнинг ҳолати грунт қатламининг бошланғич ва қайта

ишланган профил ўқлари бўйлаб, бўйламасига кўра фақат x ва y координаталар билан тавсифланган. Бўйлама профилнинг структуравий-кинематик боғланишларига асосланган динамик модел ишчи органнинг характерли геометрик хусусиятларини очиб берган. Ушбу моделнинг кинематик схемаси 5-расмда келтирилган.



5-расм. Ишчи органнинг кинематик схемаси: 1 – стрела; 2 – дастак; 3-чўмич; 4, 5, 6 – гидроцилиндрлар; 7, 8, 9 – гидроцилиндр штоклари; 10, 11 – шатунлар



6-расм. Кўп мақсадли машина гидравлик юритмасининг қазииш жараёнидаги принципиал ҳисобий схемаси

$$W = 3n - 2P_5 - P_4 ; \quad (3)$$


$$P_5 = 15, P_4 = 0, n = 11 ; \quad (4)$$

$W=3$, кўп мақсадли машинанинг қазииш жиҳозларини текисликдаги эркинлик даражаси 3 га тенг. Машина билан бирга (бурилувчи платформа) $W=4$ га тенг бўлади (6-расм).

Кўп мақсадли машинани кинематик занжирини умумлашган координаталари қуйидагиларга бўлинади:

1. θ – вертикал ўқ атрофидаги платформанинг бурилиш бурчаги;
2. s_1 – чизикли координата. 4-гидроцилиндрдаги 7-штокнинг ҳаракати;
3. s_2 – чизикли координата. 5-гидроцилиндрдаги 8-штокнинг ҳаракати;
4. s_3 – чизикли координата. 6-гидроцилиндрдаги 9-штокнинг ҳаракати.

$$f = f(\theta, s_1, s_2, s_3). \quad (5)$$




7-расм. Кўп мақсадли машина қазииш жиҳози ишчи органларининг шартли схемаси

1-жадвал

Кўп мақсадли машина динамик тизимларининг умумлашган координаталари

№	Бўғин координаталарини маҳаллий тизим координаталаридаги тавсифлари	Умумлашган координаталар
1	Y_0 ўқи бўйлаб O_1 массалар маркази базавий шассининг кўчиши.	\bar{q}_1
2	X_0 ўқи атрофида шасси базасини бурилиши.	\bar{q}_2
3	Z_0 ўқи атрофида шасси базасини бурилиши.	\bar{q}_3
4	Y_2 ўқи атрофида платформани бурилиши.	\bar{q}_4
5	Z_3 ўқи атрофида стреланинг бурилиши.	\bar{q}_5
6	Z_4 ўқи атрофида дастакнинг бурилиши	\bar{q}_6
7	Z_5 ўқи атрофида кесувчи органнинг бурилиши.	\bar{q}_7



8-расм. Моделни ҳисоблаш схемаси

Моделни ҳисоблаш схемаси (8-расм) занжирларининг инерциал координаталар тизимига нисбатан ҳолатларига тегишли равишда тегишли маҳаллий ўнг координаталари тизимларининг вазияти билан белгиланган:

$O_1X_1Y_1Z_1$ – базавий машина шассиси ва бурулувчи платформа гидротизими; $O_2X_2Y_2Z_2$ – стреласи билан; $O_3X_3Y_3Z_3$ – дастаги билан; $O_4X_4Y_4Z_4$ – чўмичи билан.

2-жадвал

Моделдан координата ўқиға параметрларни ўтказиш

№	Бўғин номи	Координата системаси	Умумлашган координата	Координаталар системасидан матрицаға ўтказиш		Ишчи органнинг тавсифи нукталарининг вектори	Эластик-қовушқоқ элементларнинг мос келдиган коэффициентлари
				i-1	00. x0. y0. z0		

1	Экскаватор платформаси	$o1, x1, y1, z1$	$x1, y1, z1, \mu1, \gamma1, \psi1$	A1	T1=A1	R1, R2, R3, R4, R5, R6, R7, R8, R9, R10, R11, R12	c1, d1, c2, d2, c3, d3, c4, d4, c5, d5, c6, d6, c7, d7, c8, d8, c9, d9, c10, d10, c11, d11, c12, d12
2	Стрела	$o2, x2, y2, z2$	u2	A2	T2=A1 "A2"	R13	c13, d13
3	Дастак	$o3, x3, y3, z3$	u3	A3	T3=A1 "A2" "A3"	R14	c14, d14
4	Чўмич	$o4, x4, y4, z4$	u4	A4	T4=A1 "A2" "A3" "A4"	R15	c15, d15

Иккинчи турдаги Лагранж тенгламалар қуйидаги шаклга эга бўлган:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{dK}{dq_j} \right) - \frac{dK}{dq_j} + \frac{dP}{dq_j} + \frac{d\Phi}{dq_j} = Q_j, \quad (6)$$

бу ерда K – кинетик энергия; P - потенциал энергия; Φ - диссипатив функция; Q - умумлашган ташқи кучлар вектори.


Кинетик ва потенциал энергия учун ифодани ва диссипатив функцияни иккинчи турдаги Лагранж тенгламасига алмаштириб, вектор-матрица шаклида тенгламалар тузилган:

$$\sum_{j=1}^{10} \sum_{u=1}^{15} tr[U_{ij}H_iU_{iv}^T] \ddot{q}_j + \sum_{j=1}^{10} \sum_{i=1}^4 tr[M_{uj}D_uM_{uv}^T] \dot{q}_j + \sum_{j=1}^{10} \sum_{i=1}^{15} tr[M_{uj}N_uM_{uv}^T] q_j + \sum_{i=1}^4 m_i g G_2^T H_{ij} R_{im} = \sum_{i=1}^4 \vec{F}_r U_{ij} \vec{R}_r \quad (7)$$

$$\text{бу ерда: } M_{uj} = \frac{d\Gamma_u}{dq_j}; N_u = C_u [\vec{R}_u \vec{R}_u^T]; D_u = d_u [\vec{R}_u \vec{R}_u^T].$$

H_i – матрица инерция бўғини бўлиб, қўп мақсадли машина қазииш жиҳозининг гидроюритмаси 4x4 ўлчамда; KM машина i -чи бўғинининг m_i – массаси; R_u – эластик-қовушқоқ элементнинг ҳаракатланувчи қисмини радиуси вектори; R_r – ташқи кучларни қўйилиш нуқтасининг радиус вектори; Γ_u – эластик-қовушқоқ элементларнинг ҳаракатланувчи қисмини ҳаракатланмайдиган бўғинларга ўзгартириш матрицаси; D_u ; C_u – эластиклик-қовушқоқ элементларнинг қаттиқлиги ва қовушқоқлигини келтирилган коэффициентлари.

ЭГ механик қуйи тизимининг математик модели қуйидагилар асосида тузилган: таклиф қилинган методология статика, кинематикаси ва динамикаси муаммоларини ечишга, турли хил иш режимларида ЭГ тадқиқотларини ўтказишга имкон берган. 9-расмда ЭГ сининг содалаштирилган ҳисобий диаграммаси келтирилган.



9 – расм. ЭГ нинг ҳисобий схемаси

ЭГ сининг математик модели кўп тармоқли гидравлик боғланиш шаклида тақдим этилган, яъни. умуман гидравлик тизим бир-бирига боғланган кўп тармоқли гидравлик блоклардан ташкил топган бўлиб, уларнинг динамик хусусиятлари матрицаларини узатиш функциялари билан тавсифланган. Ишчи жиҳозларнинг бурчаклари ЭГ гидравлик цилиндрлари штоклари ҳолатига боғлиқлиги аниқланган. Гидравлик юритма параметрларига ва унга қўлланиладиган назорат ҳаракатларига қараб, ЭГ гидравлик цилиндрли штокларини ҳолатини аниқлаш учун кўп гидравлик тармоқлар усулини қўлланган.

Кўп ўлчовли объектнинг динамик хусусиятлари унинг ҳаракат тенгламалари билан тўлиқ аниқланган. Векторли-матрицали шаклдаги ҳаракатланиш тенгламалари тизими формулалари қуйидаги шаклга эга бўлиб, ҳисобий схеманинг ҳар бир элементи учун кўп функцияли тизим қазиниш жараёни учун машинанинг тенгламалари қуйидаги шаклга эга бўлган:

$$\begin{aligned}
 O_1: \vec{X}_1 &= W_{1XU} \cdot \vec{U}_1 \\
 O_2: \vec{X}_2 &= W_{2XU} \cdot \vec{U}_2 + W_{2XF} \cdot \vec{F}_2 \\
 O_3: \vec{X}_3 &= W_{3XU} \cdot \vec{U}_3 \\
 O_4: \vec{X}_4 &= W_{4XU} \cdot \vec{U}_4; \vec{X}'_4 = W'_{4XU} \cdot \vec{U}_4 \\
 O_5: \vec{X}_5 &= W_{5XU} \cdot \vec{U}_5 + W_{5XF} \cdot \vec{F}_5 \\
 O_6: \vec{X}_6 &= W_{6XU} \cdot \vec{U}_6 \\
 O_7: \vec{X}_7 &= W_{7XU} \cdot \vec{U}_7 + W_{7XF} \cdot \vec{F}_7 \\
 O_8: \vec{X}_8 &= W_{8XU} \cdot \vec{U}_8 + W_{8XF} \cdot \vec{F}_8 \\
 O_9: \vec{X}_9 &= W_{9XU} \cdot \vec{U}_9 \\
 O_{10}: \vec{X}_{10} &= W_{10XU} \cdot \vec{U}_{10} + W_{10XF} \cdot \vec{F}_{10} \\
 O_{11}: \vec{X}_{11} &= W_{11XU} \cdot \vec{U}_{11} + W_{11XF} \cdot \vec{F}_{11} \\
 O_{12}: \vec{X}_{12} &= W_{12XU} \cdot \vec{U}_{12} \\
 O_{13}: \vec{X}_{13} &= W_{13XU} \cdot \vec{U}_{13} + W_{13XF} \cdot \vec{F}_{13} \\
 O_{14}: \vec{X}_{14} &= W_{14XU} \cdot \vec{U}_{14} + W_{14XF} \cdot \vec{F}_{14} \\
 O_{15}: \vec{X}_{15} &= W_{15XU} \cdot \vec{U}_{15} \\
 O_{16}: \vec{X}_{16} &= W_{16XU} \cdot \vec{U}_{16} + W_{16XF} \cdot \vec{F}_{16} \quad (8)
 \end{aligned}$$

Кириш ва чиқиш матрицалари орасидаги уланиш матрицалари ёрдамида КТГЭни бир-бирига боғлайдиган кириш ва чиқиш микдорлари векторлари ўртасида мослик ўрнатилган:

$$\begin{aligned} \vec{X}_1 = \vec{U}_2, \vec{X}_2 = \vec{U}_3, \vec{X}_3 = \vec{U}_4, \vec{X}_4 = \vec{U}_5, \vec{X}_5 = \vec{U}_6, \vec{X}_6 = \vec{U}_7, \\ \vec{X}_4 = \vec{U}_8, \vec{X}_8 = \vec{U}_9, \vec{X}_9 = \vec{U}_{10}, \vec{X}_4 = \vec{U}_{11}, \vec{X}_{11} = \vec{U}_{12}, \vec{X}_{12} = \vec{U}_{13}, \\ \vec{X}_4 = \vec{U}_{14}, \vec{X}_{14} = \vec{U}_{15}, \vec{X}_{15} = \vec{U}_{16}. \end{aligned} \quad (9)$$

Гидроюритманинг математик модели куйидагича олинган:

$$\begin{bmatrix} \vec{X}_7 \\ \vec{X}_{10} \\ \vec{X}_{13} \\ \vec{X}_{16} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} w_1(s) & w_2(s) & w_3(s) & w_4(s) & 0 & 0 & 0 & 0 & 0 & 0 \\ w_5(s) & w_6(s) & 0 & 0 & w_7(s) & w_8(s) & 0 & 0 & 0 & 0 \\ w_9(s) & w_{10}(s) & 0 & 0 & 0 & 0 & w_{11}(s) & w_{12}(s) & 0 & 0 \\ w_{13}(s) & w_{14}(s) & 0 & 0 & 0 & 0 & 0 & 0 & w_{15}(s) & w_{16}(s) \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} \vec{U}_1 \\ \vec{F}_2 \\ \vec{F}_5 \\ \vec{F}_7 \\ \vec{F}_8 \\ \vec{F}_{10} \\ \vec{F}_{11} \\ \vec{F}_{13} \\ \vec{F}_{14} \\ \vec{F}_{16} \end{bmatrix}$$

$$W_1(s) = W_{7XU} \cdot W_{6XU} \cdot W_{5XU} \cdot W_{4XU} \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XU} \cdot W_{1XU},$$

$$W_2(s) = W_{7XU} \cdot W_{6XU} \cdot W_{5XU} \cdot W_{4XU} \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XF},$$

$$W_3(s) = W_{7XU} \cdot W_{6XU} \cdot W_{5XF},$$

$$W_4(s) = W_{7XF},$$

$$W_5(s) = W_{10XU} \cdot W_{9XU} \cdot W_{8XU} \cdot W_{4XU} \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XU} \cdot W_{1XU},$$

$$W_6(s) = W_{10XU} \cdot W_{9XU} \cdot W_{8XU} \cdot W_{4XU} \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XF},$$

$$W_7(s) = W_{10XU} \cdot W_{9XU} \cdot W_{8XF},$$

$$W_8(s) = W_{10XF},$$

$$W_9(s) = W_{13XU} \cdot W_{12XU} \cdot W_{5XU} \cdot W_{11XU} \cdot W_{4XU} \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XU} \cdot W_{1XU},$$

$$W_{10}(s) = W_{13XU} \cdot W_{12XU} \cdot W_{11XU} \cdot W_{4XU} // \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XF}$$

$$W_{11}(s) = W_{13XU} \cdot W_{12XU} \cdot W_{11XF}$$

$$W_{12}(s) = W_{13XF}$$

$$W_{13}(s) = W_{16XU} \cdot W_{15XU} \cdot W_{14XU} \cdot W_{4XU} // \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XF} \cdot W_{1XU}$$

$$W_{14}(s) = W_{16XU} \cdot W_{15XU} \cdot W_{14XU} \cdot W_{4XU} // \cdot W_{3XU} \cdot W_{2XF}$$

$$W_{15}(s) = W_{16XU} \cdot W_{15XU} \cdot W_{14XF}$$

$$W_{16}(s) = W_{16XF} \quad (9)$$


Гидравлик тизимнинг тенгламалари гидравлик цилиндрларнинг охириги элементлари ҳолатини, гидроюритманинг физик параметрларига ва гидравлик тизимидаги бошқариш ҳаракатларига боғлиқлигини олиш имконини берган.

Шунингдек, учинчи боб қазिश жараёнининг математик моделини ҳақиқий иш шароитларига мослаштиришга ҳам бағишланган. Бунинг учун ерни қазишда ишчи жиҳозларни жойлаштиришнинг оптимал бурчаклар диапазонини асослаш усули ишлаб чиқилган, у кам қаршилиқ кучлари билан технологик операцияларни бажаришга имкон берган.

Схемага мувофиқ (10-расм) елкаларнинг қийматлари аниқланган ва ишчи жиҳознинг занжирларида ҳаракат қиладиган кучлар ва моментлар мувозанатининг умумий тенгламалари тузилган:

$$\sum M_A = 0;$$

$$-P \sin \alpha_1 \cdot (l_{DC} \cos \alpha_2 + l_{BC} \cos \alpha_3 + l_{BE} \cos \alpha_4 + l_{AE} \cos \alpha_5) + P \cos \alpha_1 \cdot (l_{DC} \sin \alpha_2 + l_{CB} \sin \alpha_3 + l_{BE} \sin \alpha_4 - l_{EA} \sin \alpha_5) + Q_k \left(\frac{l_{DC} \cos \alpha_2}{2} + l_{BC} \cos \alpha_3 + l_{BE} \cos \alpha_4 + l_{AE} \cos \alpha_5 \right) + Q_{BC} \cdot \left(\frac{l_{BC} \cos \alpha_3}{2} + l_{BE} \cos \alpha_4 + l_{AE} \cos \alpha_5 \right) + Q_{BFA} (l_{AE} \cos \alpha_5) + P_{u3} \sin \delta \cdot l_{KA} \cos \alpha_5 - P_{u3} \cos \delta \cdot l_{KA} \sin \alpha_5 = 0 \quad (10)$$



10-расм. Динамик модел схемаси асосида куч ва моментларнинг қазииш жараёнидаги умумий кўриниши

Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида ишчи жиҳознинг гидроюритмасига сарфлайдиган кучларнинг оралиқлари ва бурчакларининг оптимал қийматлари жадвали ишлаб чиқилган (1-жадв.).


3-жадвал

Экскаватор жиҳозлари элементининг бурилиш бурчаклари оптимал оралиқлари

Ишчи жиҳоз элементлари	Қиялик бурчаги α_i^*	Цилиндр штокиннинг ортиб бориш кучи, P_{ui}	Қазиишдаги грунтнинг қаршилик кучи K_1 (H/m^2)	Ёқилғи энергия сарфининг пасайиши $\mathcal{E}_{уд}$
Чўмич	$\alpha_2=47^0 \dots 53^0$	341	225...240	157.3
Дастак	$\alpha_3=55^0 \dots 58^0$	380	235...295	
Стрела	$\alpha_5=22^0 \dots 27^0$	238	155...195	

Олинган боғлиқликлар натижасида кўп мақсадли машина гидравлик юритмасининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини, фойдали ишларни бажаришга сарфланган гидравлик тизимининг кучига қараб ҳисоблаш имкони яратилган. Гидравлик юритма ва двигателнинг фойдали кучини ўрнатиш бўйича назарий

ҳисоблар, КМ гидравлик юритмасининг самарадорлигига таъсирини назарий зарурлигини тасдиқлаган. Тузилган номограмма (11-расм) умумий бирлик харажатларига қараб циклнинг қувват сарфига мос келадиган самарали ишлашни таъминлайдиган қувват миқдорини аниқлашга имкон берган.



11-расм. Гидравлик юритма механизми оптимал қуввати ва энг кичик бирламчи харажатларига қараб машинанинг самарали иш унумдорлигини аниқлаш номограммаси

Гидроюритманинг энг яхши қуввати $N_{гв}=33$ кВт, самарали иш унумдорлиги $\Pi_3=35$ м³/соат, энг кичик солиштирма харажатлар $Z_{сол}=50.5$ минг сўм/соат.

